*2003 йил — Обод маҳалла йили*

***Киши умрининг шодон кунларида ҳам, махзун дамларида ҳам маҳаллага суянади. Чунки аҳиллик, иноқлик ўчоғи бўлмиш бу даргоҳ умумий уйимиз. Гулистондаги маҳаллалардан бирида яшовчи аҳоли ҳам ўзлари яшаб турган масканни тотувликлари билан обод этиб, «Аҳиллик» деб ном беришган.***

# ОҚСОҚОЛГА КЎП НАРСА БОҒЛИҚ

Кейинги йилларда шаҳардаги турар-жой мавзеси ҳудудидаги ушбу маҳалла тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолди. Тозалик ва ободончилик бўйича ҳам улар олдига тушадигани йўқ. Маҳаллада истиқомат қилаётган 3250 нафар киши кўчаларни, гузару хонадонлар атрофини озода сақлашга, кўкаламзорлаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Маҳаллада 16 та кўча бор. Уларнинг ҳар бирига масъул оқсоқоллар бириктирилган. Улар қўни-қўшнига кўз-қулоқ. Кирди-чиқди, маърака-моврутдан бохабар. Одамлар ҳам шунга одатланишган. Ўз кўчаларида умумий назоратни ушлашга, яхши ташаббусни қўллаб-қувватлашга одатланишган. Маҳалла қўмитаси қошидаги жамоатчилик комиссиялари иши намунали ташкил этилган. Улар қўмита олдида вақти-вақти билан ҳисоб беришади, таклифларни киритишади. Оддий бир мисол. Бойтўра ака Сариев тўй, маърака ва бошқа тадбирлар бўйича масъул қилиб тайинланган. Оилада пишитилган режа аввал Бойтўра ака билан муҳокама қилинади. Оқсоқол бу борада катта ҳаётий тажрибага эга. Барча сарф-харажатлару хизматчиларгача чиғириқдан ўтказиб олади. Ортиқчасини ҳеч иккиланмасдан қисқартиради. Бир гал ўзига тўқ бир-икки хонадон орзу-ҳавас ҳақида ўйлаб белгиланган удумни бузишга интилишди. Бутун маҳалла уларни ўртага олди. Давлатини кўз-кўз қилгандан кўра, уни мақсадли сарфлашни маслаҳат беришди. Улар ўз хатоларини англашди. Дабдабага мўлжалланган маблағларини хайру саховатга йўналтирди. Иноқлигимиз аввал боши маҳалла қўмитаси раиси куюнчаклиги, ўз ҳаловатини ўйламаслигига боғлиқ, дейишди бизга «Аҳиллик»даги оқсоқоллар. Маҳалламизни қарийб ўн йилдан буён бошқараётган Қўшбоқ Бердиевга раҳмат. Элнинг бошини қовуштириб, ўзлигимиз, одатларимизга амал қилишга тинмай ундайди.

Қўшбоқ ака умрининг энг гуллаган даврини жамоат осойишталигига бағишлади. Узоқ йиллар Мирзаобод туман ички ишлар бўлимида вояга етмаганлар тарбияси билан шуғулланди. Уларда ҳаётга, жамиятга, эл-юртга муҳаббат уйғота билган инсон пенсияга чиққач, уни маҳалладошлари ўртага олди. «Энди маҳаллани бошқаринг», дейишди. Раиснинг энг аввал қилган иши, вояга етмаганлар билан ишлаш бўлди. Тарбияси бўш, кўчакуйда тентираб, дарсдан қочадиганларни назоратга олди. Сўнгра билиб-билмай жиноятга қўл урганларнинг кейинги ҳаёти билан қизиқди. Маҳаллада қамоқдан қайтиб ишсиз юрганлар ҳам бор эди. Уларга шаҳар ташкилотларидан иш топди. Моддий кўмак уюштирди. Мажбурий хизматдан қайтганлар бўйича маҳаллада ишсизлик муаммосини ҳал этиш юзасидан семинар ўтказди. Ана шу анжуманда шаҳар, қишлоқ маҳалла оқсоқолларига Қўшбоқ Бердиев иш фаолияти таништирилди. Маҳаллада ишсизлар сони қисқарди.

Маҳалла ҳудудида ҳашар йўли билан фахрийлар боғи барпо этилган. Наврўз байрами арафасида бу боғ ҳашар йўли билан таъмирланди. 700 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилиб, ниҳолларга шакл берилди. Кўча-хиёбонларни дов-дарахтларга буркаш мақсадида 1730 туп мевали, 1340 туп манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Маҳалла юмушларини адо этишда фаоллар Раҳим Тошматов, Турсунбой Нажмиддинов, Гўзал Саидназаровалар энг фаол жамоатчи вакиллардир. Улар маҳаллада ҳурмат-эътиборга сазовор бўлишган.

– Маҳаллада кам таъминланган, кўп болали хонадонларга доимо кўмак кўрсатиб келаяпмиз. Бундан ташқари ҳудудда истиқомат қиладиган уруш қатнашчилари, ногиронларни ўз оталиғимизга олганмиз, - дейди маҳалла қўмитаси раиси Қўшбоқ Бердиев. – Кексалар ва ногиронлар истиқомат қилаётган хонадонларга қўшимча ёрдам тариқасида маҳалла бюджетидан ҳар ойда моддий кўмак ажратилиб келинаяпти. Шунингдек, маҳалла ҳудудидаги қатор ташкилотлар, хусусий секторда фаолият юритаётган тадбиркорларни ҳам бу ишга жалб этганмиз.

Аҳолига маданий-маиший ва савдо хизмати кўрсатишда ҳам бир қатор юмушлар амалга оширилмоқда. Айни чоғда 30 дан ошиқ савдо ва маиший хизмат шохобчалари фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу йил аёллар ва эркаклар сартарошхонаси, этикдўзлик, телевизор таъмирлаш устахонаси ҳамда янги гўшт дўкони очиш режалаштирилган. Бу эса маҳалла аҳлига қулайликлар туғдиради.

Ўз уйингни ўзинг асра, деган ақидага «Аҳиллик»да ҳамма амал қилади. Маҳалла посбони Зокир Жониқулов бу юмушга бош-қош. У маҳаллада қатор синовлардан ўтиб, танланган фаол йигитларни ўз атрофига жамлаган.

**Н.ШАМСИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# ҚИШЛОҚ ШИФОХОНАСИ

## профилактик тиббиётнинг таянч маскани

Доимо соғлом юришнинг сир-асрорларини шифокорлардан ўрганамиз. Саломатлигимизга путур етса, касалликка чалинсак, улардан ёрдам кутамиз. Шу боис ҳукуматимиз ҳам юртнинг энг бебаҳо бойлиги – эл соғлигини сақлаш борасида тинмай ғамхўрлик қилиб келаяпти.

Каттақўрғон туманининг қарийб 200 минг нафар аҳолисига марказий шифохоналар ва поликлиникалардан ташқари 3 та қишлоқ участка шифохонаси, 5 та врачлик амбулаториялари, 9 та врачлик, 73 та фельдшерлик-акушерлик пунктлари хизмат қилмоқда. Айниқса,Мойбулоқ, Каттаминг участка шифохоналарининг фаолиятидан аҳоли мамнун. Ўтган йили вилоят ҳокимлигининг ёрдами билан қишлоқ аҳолисига тиббий хизматни яхшилаш мақсадида Мойбулоқ участка шифохонаси кенгайтирилди. Бу масканда туғруқ ва унга тайёрлаш бўлими очилди. Эндиликда аёллар ўнлаб чақирим йўл босиб, туман марказига бориш ташвишидан қутилишди. Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотларнинг талабига мувофиқ тумандаги юқумли касалликлар шифохонаси, Мундиён, Янгиобод ва жами 35 та қишлоқ врачлик пунктлари бинолари тубдан таъмирланди.

– Илгари ҳам қишлоқларда тиббиёт масканлари бор эди. Аммо улар номигагина ишларди. Беморлар уларни четлаб, шаҳарга қатнарди, – дейди туман марказлашган шифохонаси бош ҳакими Хайрулла Боймуродов, – Мустақиллик туфайли ислоҳотларга кенг йўл очилиб, ижтимоий масалаларга, жумладан соғлиқни сақлашга алоҳида аҳамият берилаяпти. Хусусан, қишлоқ тиббиёт муассасалари фаолиятида туб бурилишга эришилди. Ҳозир буларни дори-дармон билан таъминлаш, тиббий ускуналар билан жиҳозлаш даражасидан қониқиш мумкин.

Эришилган асосий натижалардан бири малакали шифокорларни жалб этиш ҳисобига тиббий хизмат сифати яхшиланди. Қишлоқ тиббий муассасаларига мурожаат қилаётгалар сони ошиб бораётганлиги фикримизнинг далилидир. Масалан, ўтган йили ушбу масканларга беморлар 330 минг марта мурожаат қилишган. Демак, улар бу ерда шифо топишларига ишонишади. Бундан ташқари участка шифохоналарида 1,5 минг, кундузги стационарларда мингдан зиёд беморлар ётиб даволанишган. Ҳозир аксарият қишлоқ тиббиёт масканларида физиотерапевтик муолажа бўлимлари мавжуд.

Ислоҳотлар туфайли қишлоқ тиббиёт муассасаларида даволаш шароити яхшиланди. Лекин яна баъзи жуда муҳим масалалар борки, уларнинг ҳам ечимини топиш керак. Хусусан, бу шифохоналарни телефон алоқаси ва транспорт воситалари билан тўлиқ таъминлаш, ходимларнинг манфаатдорлигини ошириш тақозо этилади. Чунки, қишлоқ аҳолисининг саломатлигини таъминлаш, касалликларнинг олдини олиш улар меҳнатига бевосита боғлиқ. Эл соғлиги йўлидаги барча чора-тадбирлар, харажатлар эса ўзини ўрнини оқлайди, албатта.

**Р.ҚУРБОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## САХИЙ ТАДБИРКОР

Термиз шаҳридаги “Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғинига тадбиркор Номоз Баҳромов оқсоқоллик қилади. Оқсоқол айни чоғда “Мария” хусусий ресторанини ишга тушуриб, шаҳарликлар ва меҳмонлар эътиборига тушди. Термизга келган меҳмон албатта “Мария” ресторанида бўлишни, у ердаги миллий таомлардан истеъмол қилишни хуш кўради. Шунингдек, ресторанда байрам тадбирлари, тўйлар ўтказилади. Бу ерда бир вақтнинг ўзида 250 киши овқатланиб, дам олиш мумкин.

Баҳром ака ўзи оқсоқоллик қилаётган маҳаллага ҳам саховат кўрсатиб туради. Яқинда ўз пули ҳисобидан 40 минг сўмлик кўчат келтириб, маҳалладаги бўш ерларга экди. Бундан ташқари, ўзи топган маблағдан маҳаллада яшовчи кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга мунтазам моддий ёрдам кўрсатади.

*Фармон ва ижро*

# АЖОЙИБ СПОРТ МАЖМУАСИ

Ургут туманидаги «Зарафшон» ширкат хўжалиги аъзолари деҳқончиликдан мўл ҳосил олишиб, рентабеллик 22,4 фоиз бўлишига эришдилар. Соф фойда 150 миллион сўмни ташкил этади. Ҳозирги шароитда бундай натижадан қониқса бўлади.

— Одамларнинг турмуш тарзини яхшилашни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Фақат сифатли ва мўл маҳсулот етиштириш билан бунга эришиш мумкинлигини одамларга тушунтира олдик, - дейди ширкат хўжалиги раиси Хақберди Собиров, — Деҳқонларга қишлоқ хўжалигининг иқтисодий асосларидан соддагина тарзда сабоқ берилди. Натижа ёмон бўлмади. Бир йилдаёқ сезиларли ўсиш кузатилади. Жамоа билан маслаҳатлашиб, фойда ҳисобидан янги мактаб қурдик. Қишлоқлар обод. Газ, сув билан тўлиқ таъминланган. Шифохона, маданият масканлари, йирик савдо корхонаси, маиший хизмат мажмуи ишлаб турибди. Айни пайтда барча асосий йўлларни таъмирлашга киришилган.

Лекин хўжаликнинг ишлаб чиқаришини ривожлантиришга зўр берамизу ёшларни тарбиялаш, соғломлаштириш жиҳатидан катта аҳамиятга эга спорт масаласи эътибордан четда қолади. Шу маънода Президентимизнинг болалар спортини ривожлантиришга оид Фармони бизга яхши сабоқ бўлди. Бир вақтлар қурилиб, қаровсиз қолиб кетган катта футбол майдони бор эди. Ана шуни таъмирлашга киришдик.

Стадионни таъмирлаб, спорт мажмуасига айлантириш ишларини дастлаб қурилиш ташкилотларига топшириш мўлжалланди. Лойиҳа тайёрланди. Ҳисоб-китоблар қилинди. Жами 180 миллион сўм атрофида маблағ талаб қилинар экан. Бундай харажатни хўжаликнинг «чўнтаги» кўтаролмаслиги аниқ. Шу боис қишлоқдошларга спорт мажмуасини ҳашар йўли билан қуриш, маблағнинг тежалган қисмини бошқа ижтимоий масалаларга сарфлаш таклиф қилинди. Бу ҳаммага маъқул келди. Натижада футбол, волейбол, қўл тўпи, баскетбол майдонлари ташкил қилинди. Югуриш йўлаги очилди. Томошабинлар учун қулай ўриндиқлар қурилди. Ҳозир спортчилар ва мураббийлар учун ўқув, дам олиш, кийим алмаштириш хоналари қурилиши бошланган. Худди шу ерда очиқ сув ҳавзаси қуриш ҳам режалаштирилган.

**И. РУСТАМОВ.**

## РАИСЛАР ЎҚУВИ

Сурхондарё вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитасининг ташаббуси билан Денов ва Шеробод шаҳарларида туман тармоқ ҳамда бошланғич касаба уюшма қўмиталари раисларининг ўқув-семинари бўлиб ўтди.

Унда «Мактабларда жамоат шартномасини қандай тузиш керак?» ва «Фуқароларнинг мурожаати тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг қонуни» ҳақидаги маърузалар тингланди ва қизғин баҳслар асосида муҳокама қилинди.

Семинар охирида илғор касаба уюшма қўмиталари раисларига вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитасининг «Фахрий ёрлиқ»лари ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

## САЁҲАТ - РОҲАТ

Вилоятда тармоқ ходимларининг қадимий Бухоро ва Самарқанд шаҳарларига саёҳатлари уюштирилди. Саёҳат давомида Бухорои шарифдаги Баҳоуддин Нақшбандий, Шайх Шамсиддин Кулол мақбараларини, Амир Олимхон асос солган музей ва ҳовуз, Арк, масжид ва мадрасаларни, Минораи Калон ва бошқа диққатга сазовор бўлган тарихий жойлар зиёрат қилинди. Ғиждувон тумани марказида Абдулхолиқ Ғиждувоний мақбарасини, Челак туманидаги Хожа исмоил Ал-Бухорий мажмуалари зиёрат қилинди.

Самарқанд шаҳридаги қайта таъмир этилган Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Шоҳи Зинда ҳамда Регистон мажмуаси саёҳатчиларда яхши таассурот қолдирди.

**Йўлдош ХУДОЙНАЗАРОВ.**

Тошкент давлат тиббиёт институти қошидаги коллеж 1979 йилда ташкил топган бўлиб, ҳозирги кунда бу ерда талабалар учта мутахассислик бўйича таҳсил олишмоқда. Билим масканида талабаларнинг ўқишлари ва дам олишлари учун барча шароит яратилган.

***Суратларда: коллеж фаолиятидан лавҳалар.***

**Ш.САРИЕВ олган суратлар.**






## ФОЙДА ҲИСОБИДАН СТАДИОН

***Қизилтепа туманидаги «Зармитан» ширкат хўжалигининг «Работ» маҳалласида янги ўйингоҳ мажмуи фойдаланишга топширилди.***

Эндиликда хўжалик аҳли футбол, волейбол, шоҳмот-шашка, енгил атлетика каби ўнга яқин спорт тури билан шуғулланиш имконига эга бўлди.

Хўжалик ўтган йили пахта, ғалла ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларидан 600 миллион сўм даромад қилган эди. Мажмуа ана шу фойда ҳисобидан бунёд этилди.

## ЖАМҒАРМА ТУРИ КЎПАЙМОҚДА

***Аҳолининг бўш маблағларини жамғармаларга жалб этиш иқтисодиётни ривожлантириш ва банклар фаолиятини жонлантиришнинг муҳим омилидир. «Турон» акциядорлик тижорат банки бу борада мижозларига қатъий кафолатланган тўлов асосида юқори сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда.***

Мазкур банкдан ЎзА мухбирига маълум қилишларича, шу йил бошига келиб банк оборотига жалб этилган аҳоли маблағи икки миллиард 583 миллион сўмга етган. Ҳозир банкда «Шодлик», «Байрам», «Кафолат», «Нуроний» ва «Олтин булоқ» каби омонат турлари мавжуд.

**(ЎзА).**

*Долзарб мавзу*

# ҲАР КИМ ЎЗИЧА ҲАРАКАТ ҚИЛСА

***Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил якунларига бағишланган мажлисида давлат ва назорат органларининг корхоналар хўжалик фаолиятига аралашиши ҳоллари тартибга тушаётганлиги, ноқонуний текширишлар сони кескин камайганини алоҳида таъкидладилар. Қашқадарё вилоят назорат органлари фаолиятида ҳам ана шундай ҳолатни кўриш мумкинми?***

Худди шундай, дейди вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Нурмат Жўлибеков. — 2001 йилда тадбиркорлар фаолиятини ноқонуний текшириш бўйича 12 та ҳолат аниқланган бўлса, ўтган йилда бундай ҳолат умуман рўй бермади. Бу текширишларни тартибга солиш борасида хато камчиликларга йўл қўйилмади, деган маънони билдирмайди. Масалан, бир қатор текширишларда белгиланган муддатларга амал қилинмаган бўлса, айримларида у самарасиз якунланди. Текширишлар режа жадвалини тузишда танлаш мезонларига амал қилинмаган. Уларга аттестациядан ўтмаган ходимларни жалб этиш ҳолатларига ҳам йўл қўйилди. Шундай ҳоллар ҳисобга олиниб, назорат органларининг 38 мансабдор шахсига нисбатан турли даражадаги жазо чоралари қўлланилди.

Вилоятдаги назорат органлари томонидан ўтган йил давомида 2817 та текшириш ўтказилди. Бу 2001 йилдагига нисбатан 2015 тага камдир. Ёхуд ўтказилган 1334 текширишнинг 276 тасида камчиликлар аниқланди. «Замин банк» бўлими ўтказган 22 та ва «Асака банк» бўлими олиб борган 29 текширишнинг ҳар бирида атиги 2 тадан хато камчиликлар қайд қилинган.

«Тадбиркор банк»нинг Шаҳрисабз бўлими ўтказган 22, «Савдогар банк»нинг 46 текширувидан бирортасида ҳам камчилик аниқланмаган. Аслида аҳвол шундай бўлсаку қанийди. Нақд пул тушуми режаларини бажариш ва пул эмиссиясини қисқартиришдек долзарб муаммолар кун тартибида турган бир пайтда тижорат банкларининг бу масъулиятли ишга бунчалик лоқайд қараётганликлари сабабларини сира тушуниб бўлмайди.

Вилоятдаги назорат органлари томонидан қисқа муддатли текшириш ўтказиш учун комиссияга берилган буюртманомалардан 1119 таси текшириш ўтказиш учун асослар етарли бўлмаганлиги туфайли рад этилди.

Ҳудудий комиссияда ташкил этилган гуруҳ томонидан фуқароларнинг хўжалик юритувчи субъектлар мансабдор шахслар хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб ёзган ариза-шикоятларидан 89 таси ўрганиб чиқилиб, 35 таси бўйича текширишлар ўтказилди ва ариза муаллифларига ўз вақтида жавоб қайтарилди.

Ҳудудий комиссиянинг чораклик йиғилишларида назорат органлари фаолиятига тегишли баҳо берилади ҳамда йўл қўйилган хато ва камчиликларни такрорламаслик чоралари белгиланади. Афсуски, барча ҳудудий комиссиялар ҳам ишнинг ўнгланишига жиддий эътибор бераётирлар, деб бўлмайди. Бу соҳада ижро интизоми ҳали жуда паст.

**— Республика кенгаши иш регламентида ҳудудий комиссиялар ўз йиғилишларини заруратга қараб, лекин узоғи билан ҳар чоракда камида бир марта ўтказишлари лозимлиги кўрсатиб ўтилган. Шунга қарамасдан айрим туманларда бу мезоннинг бузилишига йўл қўйилган.**

— Бундай ҳолатлар йўқ, деб бўлмайди. Шаҳрисабз, Деҳқонобод, Қарши, Чироқчи туман ҳудудий комиссиялари баъзи чоракларда йиғилиш ўтказмаганлар. Бу назорат органлари томонидан ўтказиладиган текширишлар самарадорлигининг пасайишига олиб келмоқда. Жумладан, Чироқчи туман молия бўлими ўтказган 7 та, статистика бўлими томонидан ўтказилган 10 та текширишнинг бирортасида ҳам камчилик аниқланмаган. Ҳудудий бўлинмалар томонидан 19 та режалаштирилган текширишлар ўтказилмасдан қолган.

**— Баъзи хўжалик юритувчи субъектларда ҳар йили қайта-қайта текшириш ўтказилаётгани ҳолда, баъзиларида 3-4 йиллаб ўтказилмаётганлигини қандай баҳолаш керак?**

— Афсуски, бу соҳада кўрилаётган кескин чораларга қарамасдан ҳамон камчиликларга йўл қўйиляпти. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси 2002 йилда «Зарбдор», «Чиял» ва Ф. Хўжаев номли ширкат хўжаликлари, нефтебазалар, Қарши ёғ экстракция заводида текшириш ўтказилганлигига қарамай, 2003 йил учун яна буюртманома тақдим этган. 2002 йилда «Ўздонмаҳсулотлари» компанияси, «Ўзагромашсервис» уюшмаси, «Ўзбекнефтегаз» холдинг компанияси ҳамда «Ўзбек ипаги» уюшмасига қарашли хўжалик юритувчи субъектларда комплекс текшириш ўтказилган бўлсада, вилоят шартнома мажбуриятларини назорат қилувчи давлат инспекцияси қайта буюртманома берган.

Вилоят Давлат солиқ бошқармаси ва унинг қуйи органлари томонидан 2002 йилда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 14 январдаги «Дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари сотишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан 65 та дорихонада текшириш ўтказилди. 19 дорихонада катта миқдордаги нақд пуллар давлат банкига топширилмасдан бошқа мақсадларга ишлатилганлиги, 5 та дорихонада назорат касса машинасидан ўтказилмаганлиги, 3 та дорихонада чет элда ишлаб чиқарилган сифат сертификатсиз дори-дармонлар сотилаётганлиги аниқланди.

Солиқ ташкилотлари бундай ҳолатларга ўз ваколатлари доирасида чоралар кўришди, албатта. Айбдорларга молиявий жарима қўлланилди. 2227 минг сўмлик дори-дармон давлат фойдасига мусодара қилинди.

Вилоят ҳокимлиги ҳамда солиқ бошқармасида «Ишонч» телефонлари ўрнатилган. 2002 йил давомида унга текширилаётган ташкилотлар ҳамда фуқаролардан 46 та ариза ва шикоятлар келиб тушди. Имкон қадар уларга ўз вақтида жавоб берилди.

Бугунги кунда вилоятда фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг 92 фоизи «Текширишларни рўйхатга олиш китоби» билан таъминланган. Тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан назорат органлари томонидан китобни тўлдириш бўйича 216 та хўжалик юритувчи субъектда мониторинг ўтказилди. Айрим ҳолатларда мазкур китобни тўлдиришда хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялашда муаммолар кўп. Корхона ва ташкилотларда иш ҳақлари, қарияларимизга, ногиронларга пенсиялар ва нафақалар жуда кечикиб берилаяпти. Банклар бу соҳадаги ўз мажбуриятларини тўла бажармаяптилар. Аҳолини ичимлик суви, электр қуввати, газ билан таъминлаш қониқарсиз аҳволда. Ана шундай ечимини кутаётган муаммолар биздан фаолиятимизга танқидий нуқтаи назардан баҳо беришни тақозо этади.

Бундан кейин ҳар бир текширишни умумий ишимизга салбий таъсир этаётган нуқсонларни тугатишга, иқтисодиётимиз юксалишига хизмат қилишига қаратамиз. Ишимиздаги энг катта хато назорат қилувчи органлар, сифат комиссиялари ўртасида чинакам ҳамкорлик йўқлигида. Уларнинг ҳар бири аравани ўзича бошқариб ҳар томонга ҳаракат қилади. Бундай шароитда ишда на сифат, на самарага эришиб бўлади.

**Суҳбатдош Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ.**

*Чашма*

## ЯХШИЛИК

*Ҳар яхши одам-ла гўзалдир олам,*
*Яхшилик инсонга умр бахш этар.*
*Бу ёруғ жаҳонда яхшилик борки*
*Ёмонлик оқибат бир кун бош эгар.*

*Яхшилик булоғи кўз очсин мангу,*
*Абадий шод бўлсин, дейман кўнгиллар*
*Ҳар инсон яхшилик учун интилсин,*
*Ёмон иллатларга ёпилсин йўллар.*

## ОНА ЮРТИМ

*Мустақиллик, тинчлик, тотувлик*
*Шиорингдир, эй она юртим.*
*Тупроқлар кўп, ватанлар кўпдир,*
*Кўз очдиму мен сени кўрдим.*

*Фахрлансам арзир ҳар қанча,*
*Сендек йўқдир дунёда диёр.*
*Келажагинг ёруғдир, чунки*
*Элинг юрагида қуёш бор.*

**Диёра ОЙХЎЖАЕВА,**
**Тошкент шаҳридаги**
**157-мактабнинг 9-синф ўқувчиси**



# ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

*Ҳикматлар хазинаси*

## ТУЛКИ

Бир тулки эрталаб, қуёш чиққан вақтида узун соясига қараб:

– Бугун нонуштага туя ейман! – - деб мақтанди.

У пешингача туя излаб, ҳориб-толди. Пешин пайтида соясига қараган эди, у жуда кичик бўлиб қолибди. Буни кўриб, тулки ҳовуридан тушди:

– Майли, сичқон бўлса ҳам еявераман.

**Жуброн Халилнинг «Мажнун» китобидан**
**Маҳкам МАҲМУД таржимаси.**

## АСАКАДА "АЛЛА"ҚЎШИҚЛАРИ ТАНЛОВИ

Асакада Ўзбекистон халқ артисти, марҳум санъаткор Ҳабиба Охунова хотирасига бағишланиб ўтказилаётган "Алла" -Республика кўрик- танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Танлов шартига кўра "алла" икки босқичда; жамоа бўлиб айтиш ва якка тартибда ижро йўналишлари бўйича маҳоратлар синалди. Бир- биридан аъло алла матнлари куйланар экан, оналаримизнинг бу қадимий қўшиғини ижрочиларлар юракдан, берилиб куйлаётганлари яққол сезилиб турди. Икки кун давом этган танловда ғолибларни аниқлаш осон бўлмади. Ва ниҳоят, узоқ баҳслашувлардан сўнг, жамоа бўлиб айтиш йўналиши бўйича Марҳамат тумани вакилларига, яккахон ижрода эса, Хонободлик Латофат Мирзажоновага тенг келадиган топилмади.

Ғолиблар кўрик- танловнинг Наманганда бўлиб ўтадиган республика босқичида қатнашиш имкониятига эга бўлдилар.

Мамлакатимизда соғлом авлодни камол топтириш, уларни эртанги куннинг муносиб ворислари этиб тарбиялашда ҳукуматимиз томонидан алоҳида меҳрибонлик кўрсатилмоқда. Хусусан, Тўрткўл тумани халқ таълими бошқармасига қарашли 116-сонли санаторий типидаги болалар боғчасида ҳам бу борада эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Бу масканда 280 нафар кичкинтой тарбияланаётган бўлиб, улар учун барча қулайликлар мавжуд.

**И.ҲАСАНОВ**
**олган суратлар.**





## ОТ - ИШОНЧЛИ ЙЎЛДОШ

От - инсоннинг йўлдоши, вафодор дўсти. Шу боис ҳам Гўрўғлибекнинг Ғироти, Рустаму Достоннинг Рахши, Алпомишнинг Бойчибори учқур тулпор сифатида достонларга кўчган, ривоятларга айланган.

Қадимшуносларнинг тахминларига кўра, отнинг келиб чиқиши бундан қарийб 50 миллион йиллар аввалга бориб тақалади. Олти минг йиллар олдин яшаган аждодларимиз бу ақлли жонзотни ўзига дўст деб билиб, хонакилаштирганлар. Натижада йиллар, асрлар давомида асл зотли отлар пайдо бўлган. Улар орасида, айниқса Қорабайир, Барбар, Гусула, Ахалтекин, Туркман, Араб отлари машҳур бўлган.

Дейдиларки, от ўз қариндошларини ҳатто ўн-йигирма йилдан сўнг ҳам таниркан. Бу ажойиб жониворнинг яна бир хислати шуки, у йиқилганида ўз эгасига ҳеч қачон озор етказмайди. Буни кўпни кўрган чавандозлар жуда яхши билишади.

Бизда, туркий халқларда қадим-қадимдан отларга ўзгача илиқ муносабатда бўлинган. Фикримиз исботи учун биргина далил – севимли адибимиз Тоғай Муроднинг «От кишнаган оқшом» асарини ёдга олиш етарлидир. Зеро, асар қаҳрамони отига «Сен менинг оғамсан» дея мурожаат қилади. Қаранг-а, инсоннинг отга, отнинг инсонга муносабатини бундан-да ортиқроқ таърифлаш мумкинми, ахир?!

Яқин ўтмишимизда шундай даврлар ҳам бўлдики, отлар ўтмиш асорати сифатида эгаларидан мажбуран тортиб олинди, қассобхоналарга топширилди. Шукрки, истиқлол шарофати билан миллийлигимиз белгиси бўлган улоқ-кўпкарилар яна ўтказила бошланди. От спортини ривожлантиришга катта эътибор қаратилиб, ёшларимиз чавандозлик билан шуғуллана бошлашди. Мисол учун, Тошкент шаҳар Чилонзор туманида жойлашган Республика Олимпия захиралари коллежида от спорти бўлими очилди. Бу ерда хизмат кўрсатган мураббий Исоқ Тошмуҳаммедов олти нафар тарбияланувчига от спортидан сабоқ бермоқда. Айни пайтда келгусида мазкур бўлимни янада кенгайтириш, ўқувчилар ва отлар сонини ошириш мўлжалланмоқда.

Лекин биз бу жабҳада имкониятларимиздан тўла фойдаланяпмиз, дея олмаймиз. Амалга оширганимиздан қилажак ишларимиз кўп. Инсоннинг яқин дўсти, йўлдоши бўлган отларга нисбатан ёшларимиз қалбида меҳр-муҳаббат уйғотиш даркор. Негаки, у ана шундай эҳтиромга лойиқдир.

**Абдулла ТОЛИПОВ,**
**меҳнат фахрийси.**

*Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган VI Халқаро турнир кундалиги*

**Кўҳна Термиз шаҳри бир неча кундирки, байрам тусини олган. Айниқса, вилоят касаба уюшмалари Жисмоний ва спорт жамиятига қарашли «Алпомиш» ўйингоҳида ўзгача шукуҳ ҳукмрон. Бу ерда Президент соврини учун Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган ўзбек кураши бўйича анъанавий VI Халқаро турнир беллашувлари бошланди. Куни кеча ўн минг кишига мўлжалланган ўйингоҳда мусобақанинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.**

## ЎЗБЕК КУРАШИГА ЭҲТИРОМ

Тадбирда сўзга чиққанлар ўзбек курашининг қисқа вақт ичида катта муваффақиятга эришганлигини таъкидлаб, қатнашчиларга омадлар тилашди. Дарҳақиқат, миллий спорт туримизни жаҳонга олиб чиқишда қисқа вақт ичида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилди. Ўнлаб мамлакатларда миллий кураш федерациялари иш бошлади. Бир неча маротаба жаҳон ва қитъалар миқёсидаги биринчиликлар, халқаро турнирлар катта кўтаринкилик билан ўтказилди. Миллий курашимизнинг Осиё ўйинлари дастурига киритилганлиги эса энг катта ютуғимиз бўлди. Айни вақтда нуфузи тобора ошиб, оммалашиб бораётган ўзбек курашини олимпия ўйинлари дастурига киритиш мақсадида олдиндан тузилган дастур асосида қатъий иш олиб борилаяпти. Олтинчи маротаба ташкил этилаётган мазкур анъанавий халқаро турнир ҳам юқоридаги фикрларимизни яна бир бор тасдиқдан ўтказди. Бинобарин, Англия, Янги Зеландия, Канада, Туркия, Япония, Мўғулистон, Жанубий Африка Республикаси, Эрон, Полша, Бразилия, Жанубий Корея сингари 20 дан ортиқ давлатлардан миллий курашимиз усулларини пухта ўзлаштирган полвонлар мусобақа ғолиблиги учун кураш олиб бормоқдалар. Улар орасида полшалик Павел Малованец, эронлик Али Ризо Санойий, бразилиялик Карлос Хонорато, туркиялик Селим Татар ўғли, англиялик Даниэл Смит, ЖАРлик Марк Скотт каби полвонларни кўпчилик яхши билади. Бу полвонлар ҳамда мамлакатимизнинг Абдулла Тангриев, Махтумқули Маҳмудов, Акобир Қурбонов, Олим Худойқулов, Камол Муродов, Суҳроб Дўстов, Исоқ Аҳмедов каби курашчилари ўртасида турнирнинг мутлоқ ғолиблиги – Президент соврини учун баҳслар қизғин тус олиши турган гап.

**Селим Татар ўғли, туркиялик полвон:**

– Ниятим турнирнинг мутлоқ ғолиблигини қўлга киритиш. Бироқ, майдон зўрники, дейдилар. Қолаверса, турнирда кўплаб маҳоратли полвонлар қатнашаяпти. Шунинг учун ҳам олдиндан башорат қилиш қийин. Кимнинг нимага қодирлиги бугун ойдинлашади.

**Ризо Носирий, Эрон кураш Федерацияси котиби, Осиё ҳакамлар коллегияси раиси:**

– Ўзбек курашининг бошқа спорт турларидан алоҳида ажратиб турадиган жиҳатлари кўп. Шу боис ҳам бутун дунёда, қолаверса, бизнинг мамлакатимизда ҳам курашга қизиқиш катта. Масалан, бу йил мазкур спорт тури бўйича қитъа чемпионати ҳамда ватандошларингиз Паҳлавон Маҳмуд хотирасига бағишланган турнир айнан бизда бўлиб ўтади. Бу Эронда ўзбек курашига бўлган қизиқиш ва муҳаббатнинг ошиб бораётганлигидан дарак беради.

**Рустам ДАВЛАТ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЛОЙИҲАСИ

Тошкент шаҳарсозлик лойиҳалаш илмий текшириш институтининг бир гуруҳ архитектор ва муҳандислари томонидан яратилган меъморий лойиҳада Андижон олимпиада заҳиралари спорт коллежини бунёд этиш учун асос қилиб олишди. «Баркамол авлод» спорт ўйинлари финал босқичини ўтказиш муносабати билан юзага келган бу лойиҳа республика архитекторлар уюшмаси томонидан «Йилнинг энг яхши лойиҳаси» деб топилди ҳамда «Олтин устун» деган фахрли номга сазовор бўлди.

Умумий майдони 16,5 гектарга тенг бўлган бу йирик иншоот 900 ўринли ўйингоҳга ҳам эга бўлади.

**Акбар АЛИЕВ.**

*Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллигига*

## 2.САРҲАЛҚАИ СИЛСИЛАИ НАҚШБАНДИЯ

Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний хожагон-нақшбандия тариқати асосчиси, унинг ривожига улкан ҳисса қўшган пири комилдир. Ул зот, биринчидан, хожагон сулукида хафий зикрни бошлаб берган бўлса, иккинчидан, у жорий қилган саккиз қоида мазкур сулукнинг тамал асослари сифатида қабул қилинган. «Калимоти қудсия» деб аталадиган бу рашҳа-қоидалар шулардир: хуш дар дам (ҳар нафасни хуш-ғафлатсиз ўтказиш), назар бар қадам (ғафлатга сабаб бўладиган нарсаларни кўрмаслик учун ерга қараб юриш), сафар дар ватан (башарий сифатлардан илоҳий сифатларга етказадиган ботин оламида сафар қилиш), хилват дар анжуман (зоҳирда халқ билан, ботинда Ҳақ билан бирга бўлиш), ёд кард (тил зикри билан бирга дил зикрини ижро этиш), боз гашт (зикр асносида калимаи тавҳиддан кейин «Илоҳим, мақсадим сенсан, талабим сенинг розилигингдир» оятини айтиш); нигоҳ дошт (беҳуда хавотирлардан фориғ бўлиш); ёд дошт (зикрдан ҳосил бўладиган руҳий ҳушёрликни давом эттириш ва доим Ҳақдан воқиф бўлиш).

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари кейинчалик мазкур асосларга яна машҳур уч асос: вуқуфи замоний (аҳволга қараб ҳаракат этиш ва ўтган вақтни сарҳисоб қилиш), вуқуфи ададий (зикрда ҳисобга риоя қилиш) ва вуқуфи қалбий (зикрда қалбга йўналиш ёхуд қалбнинг Аллоҳга йўналиши ва Ундан ғофил бўлмаслик) қоидаларини илова қилиб нақшбандияни янада ривожлантирганлар. Шу боис Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳазратларига «сарҳалқаи силсилаи нақшбандия» дея ном берилган.

* * *

Кўплаб мутасаввиф ижодкорлар ўз асарларида Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳазратларининг таърифу тавсифларига кенг ўрин ажратганлар. Шулар қатори Аҳмад Яссавий издошларидан Султон Аҳмад Ҳазиний (XVI аср) ҳам Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳазратларини жумладан шундай мадҳ этади:

***Хожа Абдулхолиқ - ул пири Худо,***
***Нақшбандияда шайхи порсо...***
***Нақшбандийларни бар нақшу мурод,***
***Хожа Абдулхолиқ - ул пири рашод.***
***Баҳравар қилди хафий асроридан,***
***Будир анвар нақшсиз анворидан.***

Хожа Абдулхолиқ ҳазратлари пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломдан бошланган тариқат силсиласида Юсуф Ҳамадонийдан кейин ўнинчи ҳалқа пир эдилар. Хожа ҳазратлари бу ҳалқанинг давом этиши учун вафотидан олдин Хожа Аҳмад Сиддиқ, Хожа Ориф Ревгарий, Хожа Авлиёйи Кабир (Авлиёйи Калон), Хожа Сулаймон Карманийларга халифалик ижозати берганлар. Хожа Абдулхолиқ ҳазратларининг вафотидан кейин Хожа Аҳмад Сиддиқ, ундан сўнг Хожа Авлиёйи Кабир Бухорода, Хожа Ориф Ревгарий эса Ревгарда иршод фаолияти билан машғул бўладилар.

Хожа Юсуф Ҳамадоний, Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний, Хожа Ориф Ревгарий ва ундан кейин олтин силсилани давом эттирган Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Ромитаний, Хожа Муҳаммад Бобо Саммосий, Хожа Амир Кулол ва Хожа Баҳоуддин Нақшбандлар тарихда хожагон улуғлари сифатида ҳурмат билан тилга олинадилар.

* * *

Хожа Абдулхолиқнинг муборак руҳи шарифлари Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларини тарбият қилган, шу боис Хожа Абдулхолиқ Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг увайсий-маънавий пири ҳисобланади. Бу ҳақда кенг маълумотга эга бўлиш учун яна Алишер Навоий ҳазратларининг «Насойим ул-муҳаббат» асарларига мурожаат этайлик. Унда ёзилишича, бир кеча Баҳоуддин Нақшбанд Бухоройи шарифдаги учта мозорга борибдилар. Ҳар мозорда биттадан чироғдон бўлиб, ичи тўла ёғ, лекин пилиглари ёғ ичида ботгани учун чироғлар милт-милт этиб ёнарди. Бу пилиглар бироз ҳаракатлантирилиб, тузатилса, чироқ янада ёруғлашиб нур сочиши аниқ. Бу манзарани кўрган Хожа Баҳоуддин мушоҳадага бериладилар. Учинчи мозорга бориб, қибла тарафга қараб таважжуҳ қилганларида, ногоҳ девор ёрилиб, бир улуғ тахт пайдо бўлади. Тахт устида бир улуғ зот ва атрофида бир неча нуроний пирлар ўтиришарди. Тўрда ўтирган нурли зот ҳазрат Абдулхолиқ Ғиждувоний, атрофидагилар эса ул зотнинг асҳоблари экан. Хожа Баҳоуддин Хожа Абдулхолиқ ҳазратларига салом бергач, Хожа Абдулхолиқ Баҳоуддин Нақшбандга насиҳат қиладилар: «Ҳалиги чироқлар сенга ишорат ва хушхабардир, яъни чироқларни ёритиш учун сенда истеъдод ва қобилият бор демакдир. Лекин атрофни мунаввар айлаш учун бу истеъдодни ҳаракатга келтириш керак»... Шундан кейин нуроний зотлар Баҳоуддин Нақшбандга Насафга бориб Амир Кулол ҳазратларидан таълим олишни буюрадилар.

Хожа Баҳоуддин Нақшбандга зикри хуфя (овоз чиқармай зикр қилиш)ни ўргатган ҳам Хожа Абдулхолиқ ҳазратларидир.

**Нодир ҲАСАН,**
**филология фанлари номзоди.**
**(Давоми бор)**

## БИЛАСИЗМИ?

Физиолог олимларнинг кузатишларидан маълум бўлишича, анча узун тўлқинли-қизил, сариқ, зарғалдоқ ранглар одамнинг кўриш аъзоларига ва улар орқали асаб тизимига таъсир қилиб, танада қон босимининг ошишига, томирларнинг уриши ҳамда нафас олишнинг тезлашишига сабаб бўлар экан. Қисқа тўлқинли-яшил, ҳаво ранг, бинафша ранглар эса вегетатив асаб тизими функциясини тормозлайди.

Бироқ ранглар кўриш аъзоларига узоқ вақт таъсир қилиб турганда, оқибат аксинча бўлади. Шунинг учун ишхоналарни жиҳозлаганда ҳамда дастгоҳларни бўяганда рангларнинг мазкур хусусиятлари ҳисобга олиниши керак.

***

Бундан бир неча йил аввал Томскдаги қишлоқ хўжалик лабораториясида ажойиб тажриба ўтказилди. Лабораторияга оғирлиги ва ёши тенг бўлган икки гуруҳ товуқ келтириб, бир хил шароитда парвариш қилинди.

Биринчи гуруҳ товуқларга оддий ариқ суви, иккинчисига эса қор суви бериб борилди. Орадан уч ой ўтгач, оддий сув ичган товуқлар ўртача 19 донадан, қор суви берилган товуқлар эса 38 тадан тухумлади.

***

Бирон одамнинг ёшини билиш учун паспортига қаралса кифоя. Ҳайвонлар ёшини аниқлаш эса анча қийин. Маълум бўлишича, ҳайвонларда ҳам ўзига хос «ҳужжат» бор экан. Кўз гавҳари ҳайвон учун «метрка» вазифасини ўтар экан.

Кўз гавҳари ҳайвоннинг бутун умри бўйи, ҳатто ҳайвон танаси ўсишдан бутунлай тўхтаб қолганида ҳам ўсаверар экан.

## КЎЗОЙНАК ҚАЧОНДАН ТАҚИЛГАН?

Ҳозирги кўринишдаги кўзойнакларни Италияда XIII асрдан тақа бошлашган. Дастлаб ундан котиблик қилувчи раҳбарлар фойдаланишган.

Хўш, кўзойнак Скандинавияда қачон пайдо бўлган? Мантиқан олганда бу саволга Италияда тақилгандан кўп йиллар кейин деб жавоб бериш мумкин.

Бироқ... Швециянинг Окане вилоятидаги мўъжазгина бир черков деворларидан кўзойнак билан тасвирланган инсон сурати топилди. Текширишса, бу сурат XII асрга мансублигини кўрсатди.

Демак, кўзойнак XIII асрда эмас, балки ундан юз йил аввал кашф қилинган экан. Қулай ва мустаҳкам кўзойнак тақадиган одамлар ойнакнинг терлаши ёки ёмғир, қорда намланиши қанчалик қийнашини яхши билишади.

Японияда терламайдиган махсус линзали кўзойнак яратилди. Унинг линзалари намни йўқотувчи ёғоч смоласи билан қопланган. Айни вақтда смола ойнанинг мустаҳкамлигини ҳам оширади.

## ОИЛАВИЙ МУСОБАҚА

Нукус педагогика касб-ҳунар коллежида «Отам, онам ва мен - спортчилар оиласи» шиори остида мусобақа бўлиб ўтди.

«Обод маҳалла йили»га бағишлаб ўтказилган бу беллашувда Қорақалпоғистоннинг шаҳар ва туманларидан 35 та оила қатнашди.

Мусобақа иштирокчилари арқон тортиш, эстафетали югуриш, узунликка сакраш ва баскетбол турлари бўйича беллашдилар. Икки кун давом этган мусобақаларда Нукус шаҳридан Орзуев ва Тилаевларнинг оила аъзолари барча спорт турлари бўйича ғолиб деб топилди. Ғолибларга совғалар топширилди.

*Латифа*

## ДАРДИ ИЧИДА

Афанди доимо покиза юрар, эгнидаги яктаги қачон қараманг қордай оппоқ бўларди. Бунга бир ўртоғининг ҳаваси келди:

- Афанди, қойилман-да сизга. Яктагингиз ҳамиша топ-тоза!

- Сен ҳам икки хотин олсанг шунақа бўлади. Хотининг иккита бўлса, эримга яхши кўринай, деб иккаласи бир-биридан ўзишга интиларкан. Бири кўйлакни ювса, бири яктакни юваркан. Ҳатто соқолингни ҳам қириб қўйишаркан.

«Дарвоқе, тўғри гапиряпти, - деб ўйлади ўртоғи. - Бир хотин қайси бир ишни қилиб улгуради. Шунинг учун ҳам эгнимдан доимо кир кўйлак, кир яктак тушмас экан-да!..»

Орадан кўп ўтмай, у хотини устига яна бир хотин олди. Энди аввалгидан ҳам бешбаттар бўлди: кийимларининг ёғи чиқиб кетган, ёқавайрон бўлган, тугмалари тушган, уст-боши йиртилган... Кийимимни тикиб, ювиб бергин, деб бир хотинига айтса, суйганингиз қилсин, дерди, иккинчисига айтса, бойвуччангиз қилсин, дерди. Бунисиям майли-я, кунига жанжал-тўполондан боши чиқмай қолди.

Бир куни Афандининг уйига бориб, эшигини тақиллатди. Афанди, ҳозир, деганча, жим бўлиб кетди. Орадан ярим соат ўтдиямки дарак бўлмади. Ўртоғи яна тақиллатган эди, Афанди чиқди. Унинг енглари шимарилган, икки қўли совун кўпиги эди.

- Нима бало, кар бўлганмисиз?! - Тажанг бўлди ўртоғи.

- Кечирасан, кир юваётувдим...

- А, ўзингиз-а?

- Ҳа, ўзим бўлмай ким бўлсин? Ҳар доим кирни ўзим юваман. Йўқса, хотинларим сансалорлик қилаверар, ўзим сенга ўхшаб исқирт бўлиб юраверар эдим-да? Сир бой бермаслик учун сенга мақтанган эдим, - деди Афанди.

Тошкент вилояти Қибрай туманидаги 18-умум-таълим мактаби томонидан Тапилов Зуҳриддин номига берилган 9-синфни битирганлиги ҳақидаги №101663 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси Фарғона вилоят касаба уюшма қўмитасининг бош ҳисобчиси **Салима ОХУНОВА**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.30

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 17603 Буюртма Г— 284. 1 2 3 4 5 6